

CRIMINAL PREVENTION ACTIVITY PLANNING

Kadambaeva Tomaris

Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan
312-group cadets

Аннотация. Мазкур мақолада Ички Ишлар Органларининг Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолиятини режалаштиришни такомиллаштириш бўйича бошқа хорижий давлатларнинг илғор тажрибаси ҳамда миллий қонунчилигимиздан фарқли ва ўхшаш томонлари, шунингдек, юқорида келтириб ўтилган жиҳатларидан фойдаланган ҳолда ушбу фаолиятни такомиллаштириш йўналишлари ёритиб ўтилган.

Калит сўзлар: ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, режалаштириш, ахборот.

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг қўламли ислохотлар халқимиз томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Бу ўзгаришларнинг дастлабки натижалари аҳолимиз ҳаёти ва кундалик турмушида ўзининг яққол ифодасини топомқда, эл-юртимизнинг ижтимоий фаоллиги, эртанги кунга ишончи ўсиб бормоқда. Биз мамлакат ҳаётига доир ҳар бир қарорни халқимиз билан маслаҳатлашиб, бевосита мулоқот асосида қабул қилмоқдамиз. «Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак» деган ғоя фаолиятимиз мезонига айланмоқда.

Ички ишлар органлари ходимлари ўз хизмат фаолияти давомида жамиятда бўлаётган ижтимоий муносабатлар ва ҳодисалар тўғрисидаги ахборотларни тўплаши, қайта ишлаши ва сақлаши, ўзаро алмашиши ҳамда уни таҳлил қилиши натижасида ишлаб чиқиладиган хулоса ва қарорлар асосида ҳуқуқбузарлик содир этган ёки унга мойил шахсларнинг тақдирига таъсир ўтказишлари боис ахборот-таҳлил иши ички ишлар органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Режалаштириш авваламбор амалга ошириладиган ишни олдиндан ўйлашни ва уни тизимли йўлга қўйишни назарда тутати, шунингдек таҳлилий фикрлашни талаб қилади ҳамда профилактика хизмати тизими, яъни унинг субъекти ва объектининг биргаликда ривожланиш истикболлари ва келажақдаги ҳолатини белгилаб беради. Нотўғри ва ишончсиз ахборот сабабли янглиш қарор қабул қилиш хавфини камайтириш учун асосланган ва тизимлаштирилган режали қарорлар ишлаб чиқиладиган. Режалаштириш тизимнинг умумий мақсадларини бирлаштиришга хизмат қилади.

Режалаштиришни ташкил қилиш энг муҳим мақсад ва вазифалар ҳамда улар ечимининг ҳар томонлама таҳлиliga асосланади. Режалаштириш жараёни кетма-кет келувчи қуйидаги асосий босқичларни ўз ичига олади:

- дастлабки ахборотни тўплаш ва таҳлил қилиш;
- ички ишлар органларининг бошқа соҳавий хизматлари, тегишли бошқа давлат органлари ва жамоат ташкилотлари таклифларини олиш;
- режа лойиҳасини тайёрлаш ва манфаатдор томонлар билан келишиш;
- режани тасдиқлаш ва зарур бўлса манфаатдор томонларга етказиш.

Режалаштиришга оид қарорларни оптималлаштиришнинг қуйидаги усуллари ҳам бўлиб, уларни қўллаш режаларнинг самарадорлигига ўз таъсирини ўтказиши:

а) изчил яқинлаштириш усули: унинг моҳияти умумий вазифани белгилаб олишдан иборатдир, сўнгра иккинчи вазифа аниқланади, уни қисмларга бўлиш учинчи навбатдаги вазифани аниқланишига олиб келади ва шу йўсинда давом этилади. Ушбу йўл билан субъект ўзига берилган таклифларни ҳисобга олиб, умумий бўлган муаммоларни босқичма-босқич аниқлаштиради;

б) мувозанат усули: мақсадларнинг мавжуд имконият ва ресурслар билан мувофиқлигини таъминлаш имконини беради. Бу усул субъектнинг режалаштирилаётган даврдаги мақсад ва вазифаларини аниқ шакллантириш ҳамда мавжуд имконият, куч ва воситаларини ҳисобга олиш, сўнгра олинган маълумотларни таққослаш ҳамда вазифаларни ҳал қилиш учун уларнинг зарурлиги ва имконияти даражасига қараб ресурсларни тақсимлашни назарда тутати. Масалан, милиция таянч пунктида фаолият

олиб боровчи ҳудудий профилактика инспекторларининг тўлиқ жамланмаганлиги натижасида ходимлар етишмовчилигини ҳисобга олиб, режадаги айрим бандларнинг бажарилишида «Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари ёрдамидан фойдаланиш мумкин;

в) *вариантлар усули*: режалаштиришга оид қарорларнинг бир неча вариантыни ишлаб чиқиш ва улардан энг маъқулни танлашдан иборат.

Ўтган давр мобайнида мамлакатда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, жамоат тартибини сақлашнинг мутлақо янги механизмларини жорий этиш ҳамда аҳолида шахсий хавфсизлик ҳиссини шакллантириш борасида тизимли ва самарали чора-тадбирлар амалга оширилди, шунингдек, мазкур фаолиятни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий база «Халқ манфаатларига хизмат қилиш» олижаноб ғояси асосида тубдан қайта кўриб чиқилди. Бугунги кунда амалиётда кўриб гувоҳи бўляпмизки, халқнинг давлат органларига бўлган ишончи қайтмоқда.

Хуллас, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизматлари фаолиятини режалаштиришни ўзаро ҳамкорликсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки ҳозирги даврда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш фақатгина ички ишлар органларининг вазифаси эмас, балки кенг жамоатчиликнинг ҳам вазифаларидан биридир. Шу боис профилактика хизмати субъектлари фаолиятини режалаштиришда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, давлат органлари, жамоат тузилмаларини режадаги профилактик ишларнинг амалга оширилишига жалб этилиши муҳим аҳамиятга эга.

Адабиётлар

1. Oblanazarovna, S.N. (2022). LINGUISTIC VIEWS OF WOMEN'S COMMUNICATION. *Academicia Globe: Inderscience Research*, 3(01), 83-88.
2. Tojiboeva, M., Sattarova, N., & Qanoatova, N. (2021). TRADITION IN ABDULLA AVLON'S POETRY. *TRADITION*, 7(11).
3. Жамолдиновна, Б. М. (2020). Лингвокультурологические научные направления и интерпретация языка и культуры в современной лингвистике. *Вестник Приамурского государственного университета им. Шолом-Алейхема*, (3 (40)), 104-115.
4. Bekiyeva, M.J.K. (2022). DEVELOPMENT OF LINGUOCULTUROLOGY AND INTERPRETATION OF LANGUAGE AND CULTURE IN MODERN LINGUISTICS. *Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS)*, 2(1), 93-102.
5. Saxibdjanzonova, N.M. (2022). Special Requirements For Textile Production On Exporting To The European Market. *Eurasian Scientific Herald*, 5, 56-60.
6. Nematillaeva, J.M. (2021). METHODS FOR THE FORMATION OF COMPETENCIES IN THE TECHNOLOGY OF TEACHING STUDENTS BASIC DIDACTIC UNITS AMONG MATHEMATICS TEACHERS.
7. Nematillaeva, J. M. (2021). Formation of methodological competencies of future mathematics teachers in the field of quality assessment of education. *Asian Journal Of Multidimensional Research*, 10(6), 67-71.
8. Jurayeva, M. (2019). КОНТЕКСТНЫЕ ЗАДАЧИ В МЕТОДИЧЕСКОЙ ПОДГОТОВКЕ УЧИТЕЛЕЙ МАТЕМАТИКИ В КЛАССИЧЕСКИХ УНИВЕРСИТЕТАХ.
9. Мадиханова, Н. С. (2021). СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ И ВНЕДРЕНИЕ МЕЖДУНАРОДНЫХ СТАНДАРТОВ В ШВЕЙНО-ТРИКОТАЖНОЕ ПРОИЗВОДСТВО. *Universum: технические науки*, (11-3 (92)), 51-54.
10. Tadjibaeva, M.A. (2022, February). Differentiated learning-student-centered approach. In *International Congress on Models and methods in modern investigations*.
11. Oblanazarovna, S.N. (2022). Psycholinguistics One of The Modern Branches of Linguistics. *Eurasian Journal of Learning and Academic Teaching*, 4, 277-280.